




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI  
ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04  
e-mail: [info@antimon.gov.uz](mailto:info@antimon.gov.uz), e-xat: [antimon@exat.uz](mailto:antimon@exat.uz), [www.antimon.gov.uz](http://www.antimon.gov.uz)



**Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тайёрланган ва Қўмитага (project.gov.uz орқали) юборилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш сифатини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ID-23399 (V-1) қарори лойиҳасини Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида кўриб чиқиб, мазкур хужжат лойиҳасининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича хулосани иловага мувофиқ юбормоқда.

**Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш  
қўмитасининг хатига илова**

**Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича  
ХУЛОСА**

**I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

**1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги.

**2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш сифатини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

лойиҳаси.

**3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 14 сентябрдаги 05/1-841-сонли топшириғи

**4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Лойиҳа-қидирув ташкилотларини қайта ташкил этиш тўғрисида.

**II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

**5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гурухлари – лойиҳа ташкилотлари;**

**давлат органлари гуруҳи –** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари;

**бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари –**

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 3-бандининг учинчи хатбошида Лойиҳа-қидирув ташкилотларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг тавсияларига асосан 2021 йил 1 сентябргacha муддатда етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари филиаллари ва минтақавий лойиҳа-қидирув ташкилотлари балансига бўш турган ёки ўзлари фойдаланиб келинаётган давлат мулки обьекти биноларни (ёки қисмларини) қонунчиликда белгиланган тартибда бегараз асосда берилишини амалга ошириш тавсия этилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотларнинг бино ва иншоотлар билан таъминланганлик

даражасини ўрганиш натижаларига кўра уларни лойиҳалаш фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, илмий-экспериментал базасини ташкил қилиш мақсадида, 3 ой муддатда, зарур бинолар билан таъминланишини амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши кўрсатилган.

### **2021 йил 1 январдан бошлаб:**

**етакчи лойиҳа ташкилотларига** хорижий давлатлардан малакали мутахассисларни ва ташкилотларни жалб этиш ҳамда лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, объектларни тўлиқ текширувдан ўтказиш учун зарурий дастурлаш маҳсулотлари ва асбоб анжомларни тўғридан-тўғри шартномалар тузишга ва ҳарид қилишга;

ложиҳалаш ишларини қисқа фурсатларда, сифатли амалга ошириш ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқишида **субпудрат ташкилотларини жалб этиш зарурияти бўлган тақдирда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилиши белгиланмоқда.**

6.3. Қарор лойиҳасининг 9-бандида вазирликлар, идоралар ва таъсисчи хўжалик бирлашмалар раҳбарлари ҳамда **етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари акционерларига (мулкдорларига)** қўйидагилар бўйича шахсий жавобгарлик юклатилмоқда:

етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари ишларини фаолияти йўналишлари бўйича доимий мувофиқлаштириш, уларни яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш дастурларини тасдиқлаш;

уларни юқори малакали бошқарув ва муҳандис-техник кадрлар билан таъминлаш, мутахассисларни чет давлатларда малака алмашиш ишларини амалга ошириш;

ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб ускуналар, жиҳозлар ва илғор дастурий таъминот тизимларини ва технологияларни жорий этиш;

мolia-хўжалик фаолиятининг соғломлаштириш, янги корпоратив бошқарув тизимларини татбиқ этиш;

ложиҳа ташкилотларида халқаро стандартлари (ISO) асосида сифат менежменти тизимларини босқичма-босқич жорий этиш.

6.4. Қарор лойиҳасининг 10-бандида **етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари**, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган лойиҳа-қидирув ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб

5 йил муддатга:

давлат ва мулкдорларнинг улушлари бўйича тўланадиган дивидендердан бўшаган маблағлар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ташкилотлар мутахассисларини малакасини оширишга мақсадли йўналтирилган ҳолда, **солик тўлашдан**;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, рўйхат бўйича, республикада ишлаб чиқарилмайдиган техник хужжатлар ва дастурий маҳсулотлар, асбоблар, эҳтиёт қисмлар, буюмлар тўплами билан бирга чет элдан келтириладиган маҳсус техника, инновацион технологиялар учун **божхона тўловларини (бож йигимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилиши кўрсатилган.**

6.5. Қарор лойиҳасининг 16-банди учинчи хатбошида **етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотларининг асослантирилган талаблари асосида** Қурилиш вазирлигининг мурожаатига асосан, қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш жамғармаси бош лойиҳа ташкилотларига аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиша, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган, хусусийлаштирилган ер участкаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида “YERHUSUSIYLASHTIRISH” автоматлаштирилган ахборот тизимидан бепул фойдаланишга;

**“ЎЗГАШКЛИТИ” давлат унитар корхонаси бош лойиҳа ташкилотларига аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш, шаҳарсозлик йўналишидаги стратегик вазифаларни бажариш, урбанизация масалаларини ҳал этиш ва амалга ошириш, агломерациялар ва мегаполислар жойлашишини белгилаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизимидағи маълумотлар базасидан фойдаланиши учун **бегараз тақдим этиб боришига рухсат этилмоқда.****

6.6. Қарор лойиҳасининг 17-банди бешинчи хатбошида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **етакчи лойиҳа ташкилотларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида** хар чоракда, мониторинг натижаларига қўра, тавсиялар тайёрлаб уларни амалга ошириш бўйича **чоралар қўриш топширилмоқда.**

6.7. Қарор лойиҳасининг 12 (20)-бандида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қурилиш вазирлиги **бош лойиҳа ташкилотлари** томонидан бажарилган ишлар учун **дебиторлик қарздорликларни қисқартириш мақсадида** мавжуд қарзлар хисобидан барча маҳаллий ва республика бюджети олдидаги **солиқ тўловларини қоплашга рухсат берсин.**

### III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

#### 7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи

навбатда реализация қилиш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равища бериши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда араласиши, ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилашни тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “б” кичик бандига** асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, **соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив хуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиши** кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармонининг 27-бандига** асосан вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш орқали барча давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг шаффоғлиги ва рақобат бардошлигини таъминлаш бўйича самарали чораларни кўриши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Қонунга мувофиқ бўлмаган топшириқлари, шу жумладан Қонунда қўзда тутилмаган, ягона етказиб берувчидан **тўғридан-тўғри харид қилиш имконини қўзда тутувчи баённомалар шаклидаги топшириқларни киритиш амалиёти қатъян тақиқланиши;**

давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида **тўғридан-тўғри шартномалар тузиш хуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқланиши кўрсатилган.**

Ушбуларни инобатга олиб, қарор лойиҳасида келтирилган нормалар юқорида келтирилган қонунчилик талабларига зид эканлигини инобатга олиб, **қарор лойиҳасининг**:

- 3-банди учинчи хатбоши **чиқариб ташлаш**;
- 4-банди иккинчи, учинчи, ва тўртинчи **хатбошиларини чиқариб ташлаш** ҳамда биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзларини “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзларига ўзгартириш;
- 10-банди биринчи хатбошидан “Етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган” **сўзларини чиқариб ташлаш**;
- 16-банди учинчи, тўртинчи ва бешинчи **хатбошиларни чиқариб ташлаш**;
- 17-банди бешинчи хатбошидаги “етакчи” сўзини чиқариб ташлаш;
- 12 (20)-бандидаги “бош лойиҳа ташкилотлари” сўзларини “войиҳа ташкилотлари” **сўзларига алмаштириш лозим**.

Шунингдек, қарор лойиҳасининг 9-бандида кўрсатилган топшириқларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни талабларига асосан тартибга солинишини инобатга олиб, мазкур банддан “ҳамда етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари акционерларига (мулкдорларига)” **сўзларини чиқариб ташлаш лозим**.

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур Қарор лойиҳасини амалдаги қонунчилик талабларига мослаштиргандан сўнг қабул қилиниши лозим ва қарор лойиҳасини **мазкур таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади**.

Председатель



Шарипов Н. Ш.